

## Ягона QR-кодни генерация қилиш ва унга хизмат кўрсатиш (эквайринг) тўғрисидаги Оммавий оферта

Тошкент ш.

202\_ й« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Мазкур ҳужжат “Гарант Банк” АЖнинг (кейинги ўринларда — Банк) юридик шахс, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс, ўзини ўзи банд қилган шахс ҳамда давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари фойдасига тўловларни қабул қилувчиларга (кейинги ўринларда — Мижоз) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 ва 370-моддаларига мувофиқ ягона QR-кодни генерация қилиш ва унга хизмат кўрсатиш (эквайринг) бўйича Оммавий офертани (кейинги ўринларда — Шартнома) тузиш ҳақидаги расмий таклифи ҳисобланади.

Мазкур Шартнома «Тўловларни амалга оширишда ягона QR-код орқали тўлов хизматларини кўрсатиш» Қоидаларига (рўйхат рақами 3817, 2026 йил 15 апрел) асосида ишлаб чиқилган.

Шартнома Мижознинг ваколатли шахси томонидан мазкур Шартнома шартларини акцепт қилиш орқали амалга оширилади. Акцепт қилиш Мижознинг ваколатли шахси томонидан Шартноманинг 2-сонли иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилган Аризани тўлдириш ва Банкка тақдим этиш йўли билан, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ электрон рақамли имзо фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат айланиши тизимлари орқали амалга оширилиши мумкин.

### 1. Атамалар

1.1. Ушбу Шартномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Банк** - экваер тўловни қабул қилувчини QR-код тизимида рўйхатдан ўтказиш, QR-кодни генерация қилиш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ҳисобварақларни юритиш учун масъул бўлган банк.

**Банк ҳисобварағи (ёки Ҳисобварақ)** - Банк ва Мижоз ўртасида алоҳида тузилган шартнома асосида очиладиган ҳисобварақ бўлиб, унга мувофиқ Банк Мижознинг ҳисобварағига келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва кирим қилиш, Мижознинг ҳисобварақдан тегишли пул маблағларини ўтказиш ва бериш тўғрисидаги топшириқларини бажариш, шунингдек ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**Мижоз** - юридик шахс, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс, ўзини ўзи банд қилган шахс, шунингдек QR-код орқали товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилувчи ҳамда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари фойдасига тўловларни қабул қилувчи шахс.

**Тўловчи** - тўловни ўз номидан амалга ошираётган шахс.

**Статик QR-код** - доимий тўлов реквизитларига (тўловни қабул қилувчи банк номи ва унинг маълумотлари) эга ўзгармас QR-код.

### 2. Шартнома предмети

2.1. Банк Мижозга ягона QR-кодни генерация қилиш ва тақдим этиш хизматларини кўрсатади, шунингдек QR-код орқали амалга оширилган тўловлар бўйича эквайринг хизматларини таъминлайди. Мижоз мазкур Шартнома шартларига ҳамда Банк тарифларига

(1-илова — QR-код тизими доирасида кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар миқдори) мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. Ягона QR-код Мижозга банклар ва тўлов ташкилотларининг мобиль иловалари орқали сотилаётган товарлар, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар учун нақд пулсиз тўловларни қабул қилиш мақсадида тақдим этилади.

2.3. Шартноманинг акцепт қилиниши Мижозга Ягона QR-кодни тақдим этиш учун асос ҳисобланади.

### **3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **3.1. Банкнинг мажбуриятлари:**

3.1.1. Мижозни ягона QR-код тизимида рўйхатдан ўтказиш.

3.1.2. Мижозга QR-код тизими орқали Тўловчилардан тўловларни қабул қилиш имкониятини таъминлаш.

3.1.3. Мижозга ўзининг фаолиятида QR-кодлардан фойдаланиш тартиби, QR-кодлардан фойдаланмаслик, уларнинг асл ҳолатига шикаст етказиш ёки қалбаки QR-кодлардан фойдаланиш оқибатлари бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтириш бериш.

3.1.4. Тўловларга ишлов бериш ва ҳисоб-китобларни амалдаги қонунчилик талаблари ҳамда ягона QR-код тизими қоидаларига мувофиқ амалга ошириш.

3.1.5. QR-код орқали қабул қилинган тўловлар бўйича пул маблағларининг Мижоз ҳисобварағига бир банк иш куни давомида кирим қилинишини таъминлаш.

3.1.6. Мижознинг аризасига асосан QR-код орқали онлайн тўловлар сервисидан фойдаланиш учун 23520-сонли ҳисобварақни очиш ҳамда ушбу ҳисобварақни Мижознинг асосий ёки қўшимча ҳисобварағига боғлаш.

3.1.7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

#### **3.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

3.2.1. Мижоздан рўйхатдан ўтказиш ва хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ҳамда маълумотларни сўраб олиш.

3.2.2. Банк Тарифларга бир томонлама тартибда ўзгартириш киритиш. Бунда Банк Тарифларга киритилаётган ўзгартиришлар ҳақида Мижозни ўзгаришлар кучга кириши мўлжалланган санадан камида 15 (ўн беш) календарь кун олдин хабардор қилади. Хабар бериш Банкнинг корпоратив веб-сайти ([www.garantbank.uz](http://www.garantbank.uz)) да тегишли маълумотни жойлаштириш орқали, шунингдек Банк ихтиёрига кўра бошқа усуллар билан амалга оширилади.

3.2.3. Мижоздан QR-код орқали тўловларни қабул қилиш қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш.

3.2.4. QR-код тизими орқали қабул қилинган тўловлар учун Банк тарифларида белгиланган автоматик чегирмани (комиссияни) ушлаб қолиш.

3.2.5. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

#### **3.3. Мижознинг мажбуриятлари:**

3.3.1. QR-коддан фақат амалга оширилаётган фаолият доирасида фойдаланиш.

3.3.2. QR-код орқали тўловларни қабул қилиш жараёнида аниқланган ҳар қандай хатоликлар тўғрисида Банкни бир иш куни мобайнида хабардор қилиш.

3.3.3. Банк томонидан тақдим этилган QR-кодни савдо нуқтасида барча Тўловчилар кўриши мумкин бўлган, кўзга яққол ташланадиган жойга жойлаштириш.

3.3.4. Банкка тақдим этилган маълумотлар (юридик манзил, номланиш, мобил телефон рақами ва бошқалар) ўзгарган тақдирда, бу ҳақда Банкни бир иш куни мобайнида хабардор қилиш.

3.3.5. Фаолият тури ўзгарган тақдирда, Мижоз бу ҳақда Банкка уч банк иш куни мобайнида тегишли маълумотларни тақдим этиши шарт.

3.3.6. Мазкур Шартнома шартлари доирасида Мижоз тўловларни узлуксиз қабул қилиш учун яратилган инфратузилманинг доимий иш ҳолатини таъминлаш.

3.3.7. QR-коддан учинчи шахслар томонидан тўловларни қабул қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймаслик.

3.3.8. Банкнинг белгиланган иш тартибига, тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига риоя этиш.

3.3.9. Берилган ишончномалар бекор қилинганлиги тўғрисида Банкни дарҳол хабардор қилиш, бекор қилинаётган ишончноманинг реквизитларини ҳамда Банкка Мижоз вакилликни амалга оширувчи шахсни идентификация қилиш имконини берувчи маълумотларни кўрсатиш. Ишончномани бекор қилиш ҳақида Банкка ўз вақтида хабар берилмаганлиги ёки хабар беришнинг белгиланган тартиби бузилганлиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар ва бошқа ноқулай оқибатлар учун жавобгарлик Мижоз зиммасида бўлади.

3.3.10. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя этиш.

#### **3.4. Мижознинг ҳуқуқлари:**

3.4.1. QR-код орқали онлайн тарзда қабул қилинган тўлов маблағларининг ўз ҳисобварақларига ўз вақтида ўтказилишини талаб қилиш.

3.4.2. Амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни олиш.

3.4.3. Мазкур Шартнома имзоланишидан олдин у билан танишиш учун унинг нусхасини олиш.

3.4.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

3.5. Тўловларни амалга оширишда ягона QR-код орқали тўлов хизматларини кўрсатиш Қоидаларига (рўйхат рақами 3817, 2026 йил 15 апрел) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

### **4. Банк сири**

4.1. Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Банк Мижозга оид банк сири ҳисобланадиган маълумотларнинг махфийлигини кафолатлайди.

4.2. Мижозга оид банк сири ҳисобланадиган маълумотлар фақат Мижознинг ёзма аризасига асосан ва фақат Мижознинг ўзига ёки унинг ишончли вакилига тақдим этилиши мумкин.

4.3. Мижозга оид банк сири ҳисобланадиган маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш фақат амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

### **5. QR-код орқали тўловларни қабул қилиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва шартлари**

5.1. QR-кодлар орқали тўловларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ, «QR-Online» тизими ва банкнинг тўлов инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Хизматга уланиш учун Мижоз Банкка амалга оширилган тўловлар ҳақидаги хабарномаларни қабул қилиш учун мобил телефон рақамини кўрсатган ҳолда QR-код олиш бўйича ариза тақдим этади.

5.3. Банк Мижозни «QR-Online» тизимида рўйхатдан ўтказишни Мижознинг СТИРи (солиқ тўловчининг идентификация рақами) ва мобил телефон рақами кўрсатилган тегишли сўровномани юбориш орқали амалга оширади.

5.4. Мижоз рўйхатдан ўтказилгандан сўнг Банк QR-кодга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган шахсий ҳисобварақни очади ва мазкур ҳисобварақни «QR-Online» тизимида рўйхатдан ўтказиш учун сўров юборади.

5.5. Рўйхатдан ўтказиш якунлари бўйича Мижозга QR-коднинг ягона (уникал) идентификация рақами берилади ҳамда график тасвир кўринишидаги QR-код шакллантирилади.

5.6. QR-код орқали тўлов Тўловчи томонидан хизмат кўрсатувчи банкнинг мобил иловаси орқали QR-кодни сканер қилиш йўли билан амалга оширилади.

5.7. QR-код ўқилгандан сўнг, мобил илова QR-кодда мавжуд маълумотлар асосида тўлов ҳужжатини автоматик равишда шакллантиради.

5.8. Тўловчи тўловни хизмат кўрсатувчи банк томонидан белгиланган аутентификация тартиб-таомилларига мувофиқ тасдиқлайди.

5.9. Тўловларни қайта ишлаш ва амалга ошириш МУНИС тизими орқали «QR-код орқали тўлов» хизмати провайдеридан (хизмат коди — 9998) фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

5.10. Пул маблағлари тўлов тизимининг фаолият кўрсатиш қоидалари ва банкнинг ички тартиб-таомилларида назарда тутилган тартиб ҳамда муддатларда олувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

5.11. QR-кодлар орқали амалга оширилган операциялар бўйича ҳисоб-китоблар нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

5.12. Пул маблағларини ҳисобвараққа киритиш учун асос бўлиб QR-код маълумотлари асосида шакллантирилган ва муваффақиятли бажарилган тўлов ҳужжати ҳисобланади.

5.13. Амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар маълумотларни сақлаш бўйича белгиланган талабларга мувофиқ банкнинг ахборот тизимларида ва «QR-Online» тизимида сақланади.

5.14. Тўлов муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг, Мижоз «QR-Online» тизимида назарда тутилган SMS-хабарлар ва бошқа ахборот бериш каналлари орқали билдиришномаларни қабул қилиши мумкин.

5.15. Банк QR-кодлар орқали тўловларни қабул қилиш хизмати тўғри ишлашини ҳамда ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мажбуриятини олади.

5.16. Мижоз QR-коддан белгиланган талабларга мувофиқ фойдаланиш ва рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ўзгарган тақдирда бу ҳақда Банкни зудлик билан хабардор қилиш мажбуриятини олади.

5.17. Тарафлар ахборот хавфсизлиги ва маълумотлар махфийлиги талабларига риоя этилиши учун жавобгар ҳисобланадилар.

5.18. Мазкур Тартиб билан тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари ҳамда Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.19. Банк қонунчилик талаблари ва тўлов тизимлари фаолият юритиш қоидаларига мувофиқ мазкур Тартибга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

## **6. Ахборот хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган талаблар**

6.1. Томонлар Ягона QR-код орқали хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборотни ҳимоя қилишни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талаблари, QR-код тизими Оператори техник ҳужжатлари ҳамда Банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини олади.

6.2. Мижоз Банк томонидан тақдим этилган QR-коднинг сақланишини таъминлаши, уни ўзгартириш, шикастлантириш, алмаштириш, нусха кўчириш, рухсатсиз тарқатиш ёки учинчи шахслар томонидан фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт.

6.3. Мижоз қуйидаги ҳолатлар аниқланган тақдирда Банкни дарҳол хабардор қилиши шарт:

QR-коднинг компрометация қилиниши;

тўловларни қабул қилиш учун фойдаланиладиган қурилмалар устидан назорат йўқотилиши;

ахборот тизимларига рухсатсиз кириш ҳолатлари;

фирибгарлик ҳаракатлари;

тўловлар хавфсизлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ахборот хавфсизлиги инцидентлари.

6.4. QR-коднинг компрометация қилиниши аломатлари, фирибгарлик операциялари, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар ёки мазкур Шартнома талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда, Банк олдиндан хабардор қилмасдан QR-кодни вақтинча блоклаш, операцияларни чеклаш ёки аниқланган ҳолатлар бартараф этилгунига қадар хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

6.5. Томонлар мазкур Шартнома ижроси доирасида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш мажбуриятини олади, қонунчилик талабларига мувофиқ ҳолатлар ёки ваколатли давлат органларининг сўровига биноан маълумотларни ошкор қилиш ҳоллари бундан мустасно.

6.6. Банк қуйидаги ҳолатлар натижасида Мижозга етказилган зарарлар учун жавобгар бўлмайди:

Мижоз томонидан ахборот хавфсизлиги талабларининг бузилиши;

Мижоз томонидан сертификатланмаган ёки заиф (хавфсизлиги паст) дастурий таъминотдан фойдаланилиши;

Банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра учинчи шахслар томонидан QR-код ёки Мижоз қурилмаларига рухсатсиз кириш ҳолатлари;

алоқа тармоқлари, Интернет, дастурий таъминот ёки учинчи шахсларга тегишли ускуналардаги носозликлар ёки узилишлар.

## **7. Томонларнинг жавобгарлиги**

7.1. Банк ва Мижоз мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

7.2. Банк қуйидаги ҳолатларда жавобгарликдан озод этилади:

а) форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан банклараро электрон тўловлар тизими ишидаги эҳтимолий узилишлар;

б) Мижоз томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим этилган ҳолларда;

в) қонунчиликда белгиланган тартибда банк ёки Мижоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб қўйилганда;

г) бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;

д) ягона QR-код тизими оператори, тўлов ташкилотлари ёки тўлов инфратузилмасининг бошқа иштирокчилари ҳаракатлари натижасида юзага келган зарарлар учун.

7.3. Мижоз ва Тўловчи ўртасидаги муносабатлар Банк иштирокисиз мустақил равишда амалга оширилади.

7.4. Банк Мижознинг бой берилган фойдаси (олинмаган даромади) учун жавобгар бўлмайди.

7.5. Мижоз QR-код орқали тўловларни қабул қилиш учун фойдаланиладиган қурилмаларнинг жисмоний ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади.

## **8. Коррупцияга қарши курашиш бўйича шартлар**

8.1. Ушбу шартнома бўйича томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, афилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари ҳаракатларга таъсир қилиши ёки ушбу шахсларнинг ҳар қандай номақбул имтиёзлар ёки бошқа имтиёзларни олиш учун тўловларни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир пул маблағлари ёки қийматларни тўлашга йўл қўймайдилар.

8.2. Ушбу шартнома бўйича томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, афилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари амалда қонунчиликда пора бериш-олиш, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар қилмайди.

8.3. Ушбу шартнома тарафларнинг ҳар бири бошқа томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришни рад этади, жумладан пул маблағлари, совғалар, бепул ишларни (хизматларни) бажариш ва бошқалар тақиқланади. Шу билан бирга, ходимни маълум бир қарамликка олиб келиши ва бунинг бажарилишини таъминлаш, ходим рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши таъқиқланади.

8.4. Агар бирон-бир томон коррупцияга қарши кураш шартларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб билса, тегишли томон бошқа томонни ёзма ёки оғзаки, шу жумладан, ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади.

8.5. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

8.6. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

## **9. Форс-мажор ҳолатлари**

9.1. Ушбу шартнома тузилганидан кейин юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини, ёнғинлар, зилзилалар ва табиий офатнинг бошқа кўринишлари, ҳамда уруш, эпидемия, эпизоотия, шунингдек бошқа шунга ўхшаш олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор ҳолатларида, ёки қонун ҳужжатлари бекор қилиниши ёки амалдаги қонун ҳужжатларига

киритилган ўзгартиришлар муносабати билан, ушбу Шартнома бўйича ҳар қандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда Шартнома томонларидан ҳеч бири жавобгар бўлмайдилар.

## **10. Шартномани бекор қилиш**

10.1. Банк ва Мижоз ўртасидаги Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

Мижознинг аризасига асосан исталган вақтда;

қонунчиликда ва/ёки мазкур Шартномада назарда тутилган ҳолатлар юзага келганда;

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва/ёки мазкур Шартномада белгиланган бошқа асосларга кўра.

Шартноманинг бекор қилиниши Мижознинг банк ҳисобварағини QR-код тизимидан узиш учун асос ҳисобланади.

Мижоз томонидан QR-код бириктирилган асосий банк ҳисобварағи бошқа банкка ўтказилган тақдирда, мазкур Шартнома Банк ва Мижоз ўртасида бекор қилинган ҳисобланади.

Суд қарорига асосан шартнома бекор қилинган тақдирда, Мижознинг банк ҳисобварағи ҳам QR-код тизимидан узиб қўйилиши мумкин.

10.2. Ўзини ўзи банд қилган шахслардан ташқари, рўйхатга олувчи орган томонидан нофаол деб топилган ва молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб эътироф этилган Мижозлар бўйича мазкур Шартнома уларни давлат реестридан чиқарилган кундан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади.

## **11. Шартноманинг амал қилиш муддати ва бекор қилиниши**

11.1. Мазкур Шартнома уни акцепт қилиш санасидан бошлаб кучга киради ва ноаниқ муддатга тузилган ҳисобланади. Шартнома Томонлардан бирининг ташаббусига кўра бошқа Томонни бу ҳақда 15 (ўн беш) календарь кун олдин хабардор қилиш шarti билан ёки Томонларнинг ўзаро келишувига асосан бекор қилиниши мумкин. Агар Томонлар Шартномани бекор қилиш бўйича келишувга эриша олмаса, Шартнома суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

11.2. Мазкур Шартнома Мижознинг талабига кўра, Банк томонидан кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ барча тўловлар ва қарздорликлар тўлиқ тўланганидан сўнг, белгиланган тартибда исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

11.3. Банк Мижоз томонидан қонунчилик, ПОД/ФТ талаблари ёки ягона QR-код тизими қоидалари бузилган тақдирда Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## **12. Яқуний қоидалар**

12.1. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган Томонлар ўртасидаги муносабатларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги қўлланилади. Мазкур Шартномага киритилган барча ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

12.2. Мазкур Шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг «Шахсий маълумотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ушбу Шартномада назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида Мижоз Банкка ўз шахсий маълумотларини тўплаш, сақлаш, ўзгартириш, улардан фойдаланиш ҳамда мазкур Шартномани бажариш учун зарур ҳолларда учинчи шахсларга бериш ҳуқуқини тақдим этади.

12.3. Мазкур Шартнома бажарилиши билан боғлиқ Банк ва Мижоз ўртасида низолар юзага келган тақдирда, Томонлар уларни ўзаро музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча зарур чораларни кўрадилар. Агар музокаралар натижасида келишувга эришилмаса,

низо Банк жойлашган манзил бўйича иқтисодий судда қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

12.4. Учинчи шахслар билан ҳисоб-китобларга оид низолар улар томонидан Банк иштирокисиз мустақил равишда ҳал этилади.

**Ягона QR-кодни  
генерация қилиш ва унга  
хизмат кўрсатиш (эквайринг)  
тўғрисидаги Шартномага  
1-илова**

**QR-код тизими доирасида кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар миқдори**

<b>21.</b>	<b>Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига (субъектларига) хизмат кўрсатиш</b>	
21.6.	“Ягона QR-код” орқали транзакцияларни қайта ишлаш	Тўлов суммасининг 0,65 % миқдори

**Ягона QR-кодни  
генерация қилиш ва унга  
хизмат кўрсатиш (эквайринг)  
тўғрисидаги Шартномага  
2-илова**

**Ягона QR-кодни генерация қилиш ва унга хизмат кўрсатиш (эквайринг) бўйича  
Ариза**

Кимдан: \_\_\_\_\_  
(ташкилот номи)

ИНН: \_\_\_\_\_

Манзил: \_\_\_\_\_

Телефон: \_\_\_\_\_

**АРИЗА**

Савдо фаолиятини амалга ошириш ҳамда хизматлар кўрсатишда нақд пулсиз тўловларни қабул қилиш учун «Ягона QR-код» хизматини улашингизни сўраймиз.

Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:

- Ташкилот номи: \_\_\_\_\_
- ИНН: \_\_\_\_\_
- Ҳисобрақами: \_\_\_\_\_
- МФО: \_\_\_\_\_
- Фаолият тури: \_\_\_\_\_
- Савдо нуктаси (хизмат кўрсатиш жойи) манзили: \_\_\_\_\_

Мазкур аризани кўриб чиқишингизни ва белгиланган тартибда «Ягона QR-код» хизматини улашингизни сўраймиз.

Раҳбар

М.Ў.

Ф.И.Ш.

Ушбу ариза Ягона QR-кодни генерация қилиш ва унга хизмат кўрсатиш (эквайринг) тўғрисидаги Оммавий офертани қабул қилиш (акцептлаш) ҳисобланади ҳамда унинг шартлари кучга киргишини англатади.